

ЎЗБЕКISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA


• 2006-yil • 15-iyul • Shanba • 80 (27.572) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan



ГЕОЛОГЛАР — ЯНГИ КОНЛАР КАШФИЁТЧИЛАРИ

ШАХРИСАБЗ. Республика-мизнинг жанубий сарҳадларида геологик илмий ва амалий из-ланишлар олиб бораётган «Қа-шқадарёгеологиякидриув экс-педицияси» ташкил этилганига 55 йил бўляпти.

— Утган давр мобайнида геологларимиз Хисор ва Олой тоғ тизмаларининг Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларидаги қисмидан ўнлаб янги конлар топишди. Жумладан, улар орасида рангли ва қора металл захиралари билан бирга қурилиш материаллари захиралари ҳам бўлиб, хозир улар сановатда ишлаб чиқаришга кенг жалб этилмоқда, — дейди кидриув экспедицияси раҳ-бари Баҳром Ражабов. — Бодомзор, Севвоз, Искана, Мак-



рид конларидан топишган мар-мар, Зарабоб қизил гранити, Сайроби кум-шағали ва Шеробод целистин конлари қим-матбаҳо сановат хомашёси си-фатида маҳсулот бера бошла-ди. Энг муҳими, бу ер ости бой-ликлари айна Мустақиллик йил-ларида чет эллик ҳамкасблар билан ўзаро ҳамкорликда кидри-иб топилди. Шу кунларда янги-янги конлар кашфиётчи-лари — геологларимиз Лолабу-

лок, Чоштепа — Оқбой — Жума, Кенглик конларида рангли ме-талл захиралари ҳаммини аниқ-лаш ишларини олиб бориша-япти.

◆◆◆
Суратларда: геологлар Му-хаммади Хуррамов, Анвар Нор-бобоев ва Муродулла Ражабов; кончилар навбатдаги иш куни олдида.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар

МУСТАҚИЛЛИК —

ОЛИЙ НЕЪМАТ, ШАРАФЛИ МАСЪУЛИЯТ, БУЮК ИМКОНИАТ!



Инсон учун Ватандан улуғ нарсанинг ўзи бўлмаса керак. Шунинг учун у фақат туғилиб ўсган юртида ўзини мағрур, хо-тиржам ва бахтиёр ҳис этади. Мустақилликни халқимиз осонликча қўлга киритгани йўқ. Шу боисдан юрт озодлигининг қадри бебаҳо. Утган давр мо-байнида эришилган ютуқлар, амалга оширилган ишлар айнан мустақиллик меваси.

Биргина соғлиқни сақлаш ти-зиммида олиб борилаётган ис-лохотлар бунга ёрқин мисол. 1998 йил ҳукуматимиз томони-дан қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш тўғрисидаги давлат Дастури тиббиётимизда туб бурилиш ясади. Биринчи галда эътибор аҳолига тез тиббий ёрдам

кўрсатиш самарадорлигини ошириш, қишлоқларда тиббий маданиятни ривожлантириш ма-саласига қаратилди. Сир эмаски, собиқ иттифоқ даврида қишлоқларда олий маълумотли врачни учратиш амримаҳол эди. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатувчи фельдшер-нинг кўрimsизгина хонасида эса бирорта тиббий асбоб-ускуна бўлмаган. Бугун мустақиллик шарофати билан ҳатто олис қишлоқларимизда ҳам замона-вий тиббиёт масканлари барпо этилиб, улар энг зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳоз-ланмоқда.

Салкам қирқ йиллик тажри-бамдан келиб чиқиб айтсам, соғлиқни сақлаш соҳасига, тиб-биёт ходимларига бу қадар эътиборни кўрмаган эдим. Дунёнинг ривожланган давлат-ларида келтирилаётган энг сўнгги рўсумдаги тиббиёт ан-жумлари, дори-дармонлар, ҳатто малакали мутахассислар-нинг юртимиз билан ўзаро ало-қалари соҳада янгидан-янги бос-қичларни бошлаб бермоқда. Юзлаб ҳамкасбларимиз дунё-нинг энг тараққий этган давлат-ларида тажриба орттириб кел-моқда. Бундан йигирма йиллар ил-

гари собиқ иттифоқ ҳудудидан чиқиб, айниқса, тажриба ал-машиш тўғрисида ўйлаб ҳам бўлмасди. Яратганга шукр, бу-гун барча соҳаларда дунё бил-ан ҳамнафас яшаямиз. Хиз-мат тақозоси билан хорижда ҳам бўлдик. Интернет орқали жаҳоннинг қўллаб тиббиёт му-ассасалари, у ерда фаолият кўрсатаётган тажрибали мута-хассислар билан фикр алма-шиб тураимиз.

Бугун мустақиллигимиз асосчиси, муҳтарам Юртбоши-миз таъкидлаган ушбу сўзлар ҳар биримизнинг қалбимизда сақланмоғи лозим: «...мен халқимнинг озодлиги, юр-тимнинг мустақиллиги учун, керак бўлса, жони-ни берман, лекин ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди...»

Буни анлаган, ҳис этган, фидойи юрт фарзандлари до-имо мустақилликнинг қадрига етади.

Яхшинонр АЛЛАЁРОВ, олий тоифали шифокор, I даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби, Самарқанд тиббиёт коллежи директори, ХДП фаоли

«НЕСТОР»НИНГ ЯХНА ИЧИМЛИКЛАРИ

Навоий шаҳридаги «Нестор» Ўзбекистон — Нидерландия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган яхна ичимликларга талаб янада ошмоқда. Корхонада Нуротанинг экологик тоза, маъданларга бой булоқ суви замонавий тех-нологиялар асосида қайта ишланиб, истеъмолчиларга етказилмоқда. Бу ерда бир

кеча-кундузда 1 — 1,5 литр ҳажмидаги пол-лизитилан идишларда беш тоннагача газ-ланган ва газланмаган ичимликлар қадоқ-ланаёттир. Келгуси йилдан корхона хорижга маҳсу-лот экспорт қилишни бошлайди.

Еркул УМАР, ЎЗА мухбири

«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигини нишонлаш ҳамда давлатимиз муста-қиллиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, ма-даний, маънавий салоҳияти ва муҳофаа қудра-тини мустаҳкамлаш, сарҳадларимизнинг хавф-сизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлака-тимизни демократик янгилаш ва модернизация-лаш, Ватаннинг муносиб ёш авлодини тарбия-лаш ишига салмоқли ҳисса қўшган юртдошлар-имизни тақдирлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш.
2. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонининг Низоми ва таъси-

фи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-маси (Ш.Мирзиёев) бир ой мuddатда «Ўзбеки-стон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсда-лик нишонлари ва улар гувоҳномаларининг блан-калари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.
4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Дав-лат маслаҳатчиси Р.Шамшиев зиммасига юклан-син.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 19 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 июндаги ПФ-3763-сонли Фармонида 1-илова

«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисидаги Низом

1. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонини билан давлатимиз мустақиллиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, маданий, маънавий салоҳияти ва муҳофаа қуд-ратини мустаҳкамлаш, унинг сарҳадлари хавф-сизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлака-тимизни демократик янгилаш ва модернизация-лаш, Ватаннинг муносиб ёш авлодини тарбия-лаш ишида фидокорлик намуналарини кўрса-таётган зиёлилар, фан ва санъат арбоблари, ишчи ва хизматчилар, тадбиркорлар, фермер-лар, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва бошқа шахслар тақдирландилар.
2. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонини билан ушбу Низомнинг

биринчи бандида кўрсатилган хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонини Ўзбекистон Республи-каси Президенти номидан вазирликлар, идора-лар ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Респуб-ликаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, ша-ҳар ва туманларнинг ҳокимлари томонидан тан-танали вазиятда топширилади.
- Мукофотланганларга эсдалик нишонини билан бир-га белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилди.
4. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонини кўкракнинг чап томо-нига давлат мукофотларидан кейин тақилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 июндаги ПФ-3763-сонли Фармонида 2-илова

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонини ТАВСИФИ

«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсда-лик нишонини 0,25 микрон қалин-ликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрлана-ди, у диаметри 34 миллиметр-ли доира шаклига эга.


Эсдалик нишонининг олд то-монида Мустақиллик ва эзгулик монументи (Мустақиллик ва Бахтиёр она ёдгорликлари) тас-вирланган. Монумент ортида Мустақиллик майдонидagi Ар-каннинг бир қисми ўрин олган. Эсдалик нишонининг пастки қисмида Арканнинг бир қисми

билан монумент орасида Ўзе-бекистон Республикаси Мустақил-лигининг юбилей санасини ан-глатуви «15 YIL» деган ёзув бор.

Эсдалик нишонининг айлана-си бўйлаб «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGIGA» сўзлари ёзилган.

Эсдалик нишонининг орқа то-монида Ўзбекистон Республика-сининг Давлат герби тасвирлан-ган, пастки қисмининг маркази-да «2006» ёзуви жойлашган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик-дир. Эсдалик нишонининг қирра-лари гардиш билан хошиялан-ган. Эсдалик нишонини халқачалар ва илгачча ёрдамда устки қис-мига эни 20 миллиметрли са-мовий-зангори рангдаги ипак лента ўралган тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағич (колодка) билан туташтирилади.



ЎзХДП — аёлларнинг мустаҳкам таянчи

СЎЛ СИЁСИЙ ПАРТИЯ

жамиятда аёллар мавқени ошириш тарафдори

Боёвут туманида ўтказилган «давра суҳбати» ана шу мавзуга бағишланди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти, партиянинг Сирдарё вилоят кенгаши ҳамда Боёвут туман ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда тумандаги хотин-қизлар кенгашлари раислари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний-маърифий, ахлоқий-маънавий ишлар бўйича маслаҳатчилари, партиянинг электорати вакиллари, иштирок этишди.

Суҳбат олдида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бosh бошқармаси билан ҳамкорликда хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратил-ган меҳнат ярмаркаси ҳамда тадбиркорлик, касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг кўргазмаси ўтказилди.



Гулрух АЪЗАМОВА, Ўзе-бекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенга-ши раисининг ўринбосари: — Боёвутлик аёллар — бири бирдан дилбар, дил-каш, меҳнаткаш. Қўлларидан ҳамма иш келади. Ойлада ҳам, ишда ҳам, жамоат иш-ларидан ҳам фаол, фидойи, тадбиркору ташаббускорлари қўп. Тумандаги Халқ демок-ратик партияси аъзоларидан 234 нафарини аёллар, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, вилоят Кенгаши депутатлари орасида ҳам номзодлари ХДПдан кўрса-тилган хотин-қизлар бор. Ту-ман миқёсидаги раҳбарлар-нинг 35 нафари аёллар экан-лиги-чи? Улар орасида одам-лар ташвишида олиб-югу-раётган, эл орасида иззат-хурмат топаётган ўнлаб опа-хонларимиз бор. Бу мисол-лар ҳудудда хотин-қизларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг кас-бий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини

юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оши-рилаётганини билдиради. Ал-батта, бу ишларда жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, хусусан ЎзХДП вилоят кенгаши, унинг «Фаол аёллар» қанотининг ўрни, аҳамияти катта. Жойларда хотин-қизларнинг сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини оши-риш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга, ка-саначиликни ривожлантириш орқали хотин-қизлар бандли-ги муаммосининг бир қадар ечимини топишга доир тад-бирлар ўтказилмоқда. Албат-та, бу борода ҳали туман-да, вилоятда ечимини кутаёт-ган муаммолар ҳам йўқ эмас. Бугун уларни ҳал қилиш бўйича яна қандай амалий ишлар қилинапти, бунда фаол аёлларнинг ўрни қандай бўляпти? Шу ҳақда фикрлашиб олишимиз керак.

2-бет

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HANKOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР

Янги шеърлар

БАХТИ ТАХТГА АЙЛАНГАН ЮРТИМ



БАТАН ЖОНИМДАДИР

Тоғлар чўққисидан бошланган шоним, Боғлар ёғдусидан музаффар тонгим, Дарёга айланган меҳрим бу, жоним Ватан жонимдадир, Қонимда Ватан.

ЎЛКАМ

Тугилгани рост бўлди дунё, Кўзларида кўш чўғлари. Пойларида югурди дарё, Бошларида зангор туғлари.

Юзларида меҳр чечаси, Аллалардан гупириб қони — Нўзларида нур камалаги, Кўкрагида тоғдай имони —

Боболарнинг дуоиси бўлиб, Раҳматларин ёйиб-да кўклам — Ял-ял гуллар чиройин олиб Олам узра порлади ўлкам.

Ўз ерида азиздир инсон, Азизлигим рост бўлди, тагин. Юлдузларга юксалдим бу тонг, Юлдузларда порлади тугим.

Чинорларим қулаган замин Ҳоқларидан чинорлар униб — Шимирганим саховат таъмин, Саховатга айландим ёниб. Дарё бўлиб, Дарёдай тошиб Далаларим, қирларим, боғим... Дунё бўлиб, Дунёдай шошиб Қадрларга айландим тагин.

Истиқлолим қудрати оташ, Суръатида бургут парвози. Меҳрлари меҳримга туташ, Армонлари армоним сози.

Бу имонни ҳақ бериб бизга, Кўксимизни кўёнга тутиб Байроғимиз осмонимизга Шуъла афшон бўлди шеър битиб!

Тинчлик — қувонч, энг буюк неъмат. Тонг юзига юзимни бурдим. Ўзбекистон аталган жаннат Бахти тахтга айланган юртим.

Ўзбекистон аталган жаннат Бахти тахтга айланган юртим. Ёш кўзида, қаҳрми ёшлар, Қон ичсаю ўт кўйиб севса.

Абдулҳай НОСИРОВ

«ИСТИҚЛОЛ» — ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ


Бугун пойтахтимизнинг «Қорасарой» мавзесидagi «Истиқлол» болалар спорт мажмуи чин маънода ёшларнинг сеvimли масканларидан бирига айланган.

Футбол фахрийси, собиқ пахтакорчи Равшан Юнусов раҳбарлик қилаётган ушбу даргоҳ доимо ўғил-қизлар билан гавжум.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан қад ростлаган спорт мажмуимизда хозирда минг нафарга яқин ўғил-қиз футбол, каратэ, енгил атлетика, шохмат, таквондо (ITF), стол тенниси билан шуғулланмоқда.

Дарҳақиқат, мажмуада нафақат болалар, балки катта ёшдагилар учун ҳам барча қулайликлар мавжуд. Жумладан, бу ердаги тренажёр зали, соғломлаштириш бўлимларида айна пайтада турия ёш ва касбдаги спортсеварлар жиҳмоний чиниқиб, ўз саломатликларини тиклашмоқда.

— Икки йилдан буён каратэ тўғрагаги қатнашман, — дейди ўзини Фаррух Бахромов дея таништирган болакай. — Ўзим



28-мактабнинг олтинчи синфда ўқийман. Мурабийим Жамшид Қобуловдан қисқа вақтда кўп нарсаларни ўргандим. Яқинда шаҳар биринчилигида муваффақиятли қатнашиб, тенгдошларим ўртасида учинчи ўрнини эгалладим.

«Истиқлол» спорт мажмуида болажонлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда. Яқинда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мажмуага 35 миллион сўмлик турли спорт жиҳоз ва анжомлари топширди.

«Истиқлол» спорт мажмуида болажонлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда. Яқинда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мажмуага 35 миллион сўмлик турли спорт жиҳоз ва анжомлари топширди.



Интер-спорт

МАРКО ЗИДАНИ ЕЎҚЛАМОҚДА

Жаҳон чемпионатининг Италия — Франция жамоалари ўртасидаги якуловчи финал учрашувига юз берган ноҳуш воқеа ФИФА эътиборида. Халқаро футбол федерацияси бу воқеани аниқлаб, узул-кесил бир қарорга келмоқчи.

БЛОХИНГА МУНОСИБ УНВОН

Киев шаҳар йиғини қарорига мувофиқ, Украина терма жамоасининг бош мурабийи Олег Блохин пойтахтнинг Фахрий фуқароси ўнвомига лойиқ қўрилди.

Машҳура МАМАНОВА тайёрлади.

Дунёнинг ишлари

МАШҲУРЛАРНИНГ МЕРОСИ

Хитойликларда шундай мақол бор: «Агар бобо бугун умр хизмат қилса, меҳнатдан қочмаса, унинг фарзандлари фароғатда яшайди, ammo набиралари фақирона ҳаёт кечиради».

Машҳур қўшиқчи, хонанда ва композиторлар бу каби «саховатпеша» оила вакилларини ташкил этмоқда. Улар рўйхатида 1-ўринини 1960 йилларда рок-н-рол «киролинг»га айланган Элвис Пресли эгаллаб турибди.

Яна таниқли хонандалардан бири Фрэнк Синатра 1988 йили 82 ёшида оламдан кўз юмган. Синатра рафиқаси Барбара ва уч ўғлига 50 миллион доллар қолдириб кетди.

Уларнинг қўшиқлари ёзилган касета ва дисклар, сурати туширилган қимматбаҳо буюмлар савдоси ҳамда Мемфис шаҳридаги унга тегишли музейга киритилган нарсаларидан тушадиган даромад йилга 40 миллион доллар атрофида бўлиб, у Элвиснинг ягона меросхўри саналмиш қизи Лиз Марининг ҳисобига келиб тушган.

Уларнинг қўшиқлари ёзилган касета ва дисклар, сурати туширилган қимматбаҳо буюмлар савдоси ҳамда Мемфис шаҳридаги унга тегишли музейга киритилган нарсаларидан тушадиган даромад йилга 40 миллион доллар атрофида бўлиб, у Элвиснинг ягона меросхўри саналмиш қизи Лиз Марининг ҳисобига келиб тушган.

«KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил 17,24,31 август ва 7,14 сентябрь кунлари соат 11.00 да республика Кўчмас мулк биржасининг биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилади:

- 1. Идора биноси (Чиноз тум., Олмазор кўрғони, Ойбек — 3да жойлашган). Бошланғич баҳоси — 6 479 725 сўм.
- 2. 1-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Олмазор кўрғони, Самарқанд кўчаси, 1-уйда жойлашган). Бошланғич баҳоси — 30 969 542 сўм.
- 3. 7-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Олмазор кўрғони, Самарқанд кўчасида жойлашган). Бошланғич баҳоси — 4 286 184 сўм.
- 4. 9-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Чиноз ҚФЙ, Йўлтушкан ш/х.да жойлашган). Бошланғич баҳоси — 2 985 953 сўм.
- 5. 11-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Чиноз ҚФЙ, Сутбулоқ бўлимида жойлашган). Бошланғич баҳоси — 2 803 014 сўм.
- 6. 18-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Туркистон ҚФЙ, С.Раҳимов ш/х.да жойлашган). Бошланғич баҳоси — 2 408 534 сўм.
- 7. 19-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Иттифок ҚФЙ, Янгиобод д/х.да жойлашган). Бошланғич баҳоси — 1 933 014 сўм.
- 8. 20-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Иттифок ҚФЙ, Янгиобод д/х.да жойлашган). Бошланғич баҳоси — 2 812 832 сўм.
- 9. 21-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Эски Тошкент ҚФЙда жойлашган). Бошланғич баҳоси — 5 459 791 сўм.
- 10. 23-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Эски Тошкент ҚФЙда жойлашган). Бошланғич баҳоси — 1 761 944 сўм.
- 11. 22-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Эски Тошкент ҚФЙда жойлашган). Бошланғич баҳоси — 5 384 173 сўм.

- 12. 25-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Эски Тошкент ҚФЙ, Т.Охунова ш/х.да жойлашган). Бошланғич баҳоси — 4 641 330 сўм.
- 13. 26-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Ислохот ҚФЙ, Дўстлик ш/х.да жойлашган). Бошланғич баҳоси — 11 655 957 сўм.
- 14. 27-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Ислохот ҚФЙ, Дўстлик ш/х.да жойлашган). Бошланғич баҳоси — 4 338 079 сўм.
- 15. 30-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Эски Тошкент ҚФЙ, А.Темур ш/х.да жойлашган). Бошланғич баҳоси — 3 977 760 сўм.
- 16. 35-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Иттифок ҚФЙ, Эшонобод ш/х.да жойлашган). Бошланғич баҳоси — 3 195 156 сўм.
- 17. 31-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Эски Тошкент ҚФЙ, А.Темур ш/х.да жойлашган). Бошланғич баҳоси — 6 023 111 сўм.
- 18. 6-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Олмазор кўрғони, деҳқон базори хуруйда жойлашган). Бошланғич баҳоси — 5 210 690 сўм.
- 19. 24-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Эски Тошкент ҚФЙда жойлашган). Бошланғич баҳоси — 3 180 104 сўм.
- 20. 16-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Туркистон ҚФЙ, Т.Эрназаров ш/х.да жойлашган). Бошланғич баҳоси — 3 544 043 сўм.
- 21. 29-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Ислохот ҚФЙ, Навоий ш/х.да жойлашган). Бошланғич баҳоси — 2 123 429 сўм.
- 22. 32-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Эски Тошкент ҚФЙ, А.Темур ш/х.да жойлашган). Бошланғич баҳоси — 4 662 446 сўм.
- 23. 17-сонли дўкон биноси (Чиноз тум., Олмазор кўрғони, С.Айни маҳалласида жойлашган). Бошланғич баҳоси — 4 016 950 сўм.

- 24. Идора биноси (Чиноз тум., Олмазор кўрғонида жойлашган). Бошланғич баҳоси — 4 556 424 сўм.
- 25. Сабзавот сақлаш омбури (Чиноз тум., Олмазор кўрғонида жойлашган). Бошланғич баҳоси — 2 070 106 сўм.
- Жиззах вилоят хўжалик сундининг буйруғига асосан қарздор Жиззах вилоят кооператив ва яққа тартибда уй-жой қурилишини ташкиллаштириш бошқармасига қарашли: Жиззах шаҳри Иттифок маҳалласида жойлашган «Маъмурий бино ва ишлаб чиқариш базаси» (қурилиши тугалланмаган). Бошланғич баҳоси — 1 500 000 сўм.
- Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланғич баҳоси 1 соат олдин тўхташтилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорини закалат пули тўлаши шарт. Закалат пули «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» Ўзбекистон Республикаси Мулк банкнинг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000304265383003, КОД-00876, СТИР 204563716 ўтказилади. Қўшимча маълумотлар учун «Kimoshti savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.
- Манзилмиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Урозбоев кўчаси, 1«А»-уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона. Маълумот учун телефон/факс: 399-80-23.

«ЗАНГИОТА АВТОБУС-ТАКСИ САРОЙИ» ОАЖ

Тошкент вилояти хўжалик сундининг 2006 йил 11 июлдаги 11-0622/7155 сонли ажримига асосан Эшонгузар қўрғонида жойлашган «Зангиота автобус-такси саройи» очиқ акциядорлик жамияти банкрот деб эътироф этишга оид иш ортирилиб, жамиятга нисбатан қузатув жараёни бошланди.

Группа реализация проекта «Программа развития сектора образования» UZB — 1962 при Кабинете Министров Республики Узбекистан

объявляет конкурс на приобретение программного обеспечения для автоматизации финансового управления Проектом по Национальным и Международным стандартам бухгалтерского учета и отвечающего требованиям и процедурам Азиатского Банка Развития, с формированием специализированной финансовой отчетности SOE и FMR. Предложения принимаются до 17.00 местного времени 20 июля 2006 года.

За информацией обращаться по телефонам: 139-88-54, 139-89-12. Город Ташкент, 700027, пр-т Узбекистанский, 80, комната 301.

ОАО «Пултуркилма»

сообщает о том, что согласно решения общего собрания акционеров от 20 июня 2006 года выплата дивидендов по итогам работы за 2004-2005 год будет проводиться по адресу: г. Ташкент, ул. Ш.Абдуллаева, 4 в здании ОАО «Пултуркилма».

Республика байналмилал маданият маркази жамоаси Ўзбекистон хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши расмининг ўринбосари Бобур Рашидович Амуралиева онаси

МАЪМУРАХОН аяннинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Advertisement for Bosh Muharrir Safar Ostonov, Tahrir Hay'ati, and other editorial staff. Includes contact information and a list of names.